

ЧҶҶҚИДАГИ НИГОҲ

ҲИКОЯ

Сен ҳеч қишлоғимизга келганмисан? Келмаган бўлсанг керак-а? Ана бизнинг қишлоқ — тоғлар, дарёлар билан ўралган, қутидек-қутидек уйлар билан тўлиб-тошган. Мен ҳозир қишлоқ теграсидаги энг баланд чўққисида туриб, ҳамқишлоқларим ҳаётини кузатаймман: анави сочлари узун, кўзлари қисик қиз — Чаманой, доимгидек аср маҳали ҳовлисини чиннидай қилиб супуришни бошлади. Бир сурув қўйларни ҳайдаб келаётган, соқоллари оппоқ озғин чол — унинг бобоси. Жуда инжиқ чол, ҳамма ундан ҳайиқиб туради. Анави деворлари оқланган бино бизнинг мактаб, яқинда таъмирланди, ҳатто ҳали бўёқ ҳиди ҳам кетмаган. Мактаб ҳовлисини тўлдириб қийқириб юрган болалар — менинг дўстларим. Улар болаликнинг энг бахтли палласида...

Пахса деворли уйлардан бири бизники. Ҳовлидаги чорпояда онам кўрпа қавиш билан овора. Ёнларида укам бешикда ётибди, дам-бадам тамшаниб қўяди. Шунда онам бешик тутқичидан аста тутадилар-да, “Аллаё, алла”, дейдилар. Гўдакнинг юзига боқиб, онамнинг кўзларида сўниб қолаётган умид қайта жонланади. Лабларига табассум югуради.

Катта қора говмишни авайлаб соғайган, чехрасини олтмиш йиллик ҳаёт чизиклари қоплаган кампир — бувим. Уларнинг орқасида думини ликиллатганча Олапар турибди.

Уни қўшнимиз Соқи амаки берганлар. Ўшанда Олапар муштдайгина кучук эди...

Сувоқлари кўчган, эски намат тўшалган, кўрпа-тўшаклару хонтахта қўйилиб, янаям каталакдек бўлиб қолган хонада совуқчойни босиб-босиб ичаётган киши — дадам.

Уйимиздаги бундай рангсиз ҳаётнинг сабаби — менинг йўқлигим.

Ўшанда ёмғирли тун эди. Ҳар кунгидек отам маст ҳолда гандираклаб кириб келдилар.

Доимгидек жанжал-тўполон бошланди: онам аёвсиз калтак остида, укам чириллаб йиғлайди, бувижоним “ҳай-ҳай”лайди... Мен эса бир четда биқиниб ўтирибман. Ўқиндим, бола қалбим ғам денгизига чўкиб кетди. Юрагимни алам ўртади: “Нега бизнинг оилада шундай?”. Кейин кўримсиз, файзсиз ҳовлимиздан узоклашдим. Чопдим, жон-жаҳдим билан югурдим. Тўхтасам гўё юрагим ёрилиб кетадигандек тинимсиз чопдим. Ва мана шу чўққига чиқдим. Ёмғир ҳамон куяр, оёғимга ёпишган палахса-палахса лой мени куч билан пастга тортаётгандек эди. Зимистон қаърида олис-олислардаги яккам-дуккам чирокларнинг хира шуъласи кўзга ташланади холос.

Аламданми, кўрқувданми, ўкириб йиғладим. Шаррос ёмғир овозимни босиб кетди.

Юрагимни бўшатиб, ортга қайтмоқчи бўлиб қадам босгандим, оёғим тойиб жарликка куладим. Бошим нимагадир қаттиқ урилди... Оғриқда алаҳсиб узок ётдим. Кейин бирдан оғриқ тўхтаб, енгил бўлиб қолдим, ҳатто учиб кетдим.

Ҳозир ҳаммаси яхши. Қишлоғимиз тинч, қалдирғочлар учиб юрибди. Онамнинг юзида табассум, отам ўнганган. Мен эса... Мен эса ҳар куни қуёш чиқиб ботгунга қадар шу қоя лабида уларни кузатаман. Айтдим-ку, онам шод, бувим омон, отам инсофга келган...

Фақат мен йўқман.

Наргиза АБДУЛЛАЕВА